

**КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИНИНГ  
МОЛИЯВИЙ БАРҚАРОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ АҲАМИЯТИ**

*Ахмедов Азизбек Муроджон ўгли,  
“Бухгалтерия ҳисоби ва аудит” кафедраси ўқитувчиси,  
Наманган мухандислик-технология институти*

**Аннотация.** Мазкур мақолада мамлакатимизда фаолият олиб бораётган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолияти давомида олиниши кутилаётган даромадлар ва кўрилиши мумкин бўлган зарарларни прогнозлаштириш тўғрисида фикр юритилган. Шунингдек, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари молиявий ҳолатига салбий таъсир этувчи омилларни бартараф этиш бўйича амалий тавсиялар берилган.

**Калит сўзлар:** Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, молиявий ҳолат таҳлили, инвестиция, даромадлар, харажатлар, ижтимоий соҳа, прогнозлаштириш.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2020 йилда янги иш ўринларини яратиш ва аҳолини бандлигини таъминлаш параметрлари тўғрисида”ги Қарори қабул қилинди. Бу Қарор асосида 2017-2021 йиллар учун Ҳаражатлар стратегияси доирасида амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотлар натижасида иқтисодий тармоқлари ва ижтимоий соҳада, айниқса саноат, қишлоқ хўжалиги, капитал қурилиш, транспорт коммуникация, сервис ва хизмат кўрсатиш, нодавлат таълим васоғлиқни сақлаш муассасаларида ишчи кучига бўлган талаб изчил ошмоқда. Тадбиркорлик субъектлари учун бизнес ва инвестиция муҳити кулайлигини ошириш, корхоналарга солиқ юкини камайтириш, оилавий тадбиркорлик ва шахсий томорқаларни ривожлантириш бўйича яратилаётган имкониятлар натижасида жорий йилда меҳнат бозорида бир неча йиллар давомида кузатилмаган ижобий кўрсаткичлар қайд этилмоқда.

Шунингдек, “Камбағал ва ишсиз аҳолини тадбиркорликка жалб қилиш, уларнинг меҳнат фаоллигини ошириш ва касб-ҳунарга ўқитишга қаратилган чора-тадбирлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори қабул қилинди.

Мамлакатимизда олиб борилаётган ислохотлар албатта мамлакат экспорт салоҳиятини оширишга хизмат қилибгина қолмай, мамлакат молиявий барқарорлигини мустаҳкамлашни таъминлайди. Шунингдек, кўшимча ишчи ўринлари яратилиши ҳудудларда иш билан банд бўлмаган ишсиз аҳолини иш билан таъминлашига эришилишилади.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини янада ривожлантириш ва аҳоли бандлигини таъминлаш ҳамда уларнинг даромадини оширишда вилоятлар аҳолисининг асосий қисми қишлоқ жойларида яшашини ҳамда вилоятнинг республика қишлоқ хўжалигидаги ўрнини инобатга олиб, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлашга мулжалланган миницеҳлар ташкил этилмоқда. Бундан ташқари бевосита кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик учун ўз маҳсулотларини улгуржи ва чакана савдо орқали сотиш жараёнини такомиллаштириш учун рационал логистика тизимини жорий қилинмоқда ҳамда маҳаллий хомашё ҳисобига қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш, саноат ва қурилиш материалларини ишлаб чиқариш имкониятлари мавжуд бўлган туманларда чет эл инвестицияларини жалб қилган ҳолда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари доирасида қўшма корхоналар ташкил этилмоқда.

Фикримиз якунида шуни такидлаш жоизки, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш орқали куйидагиларга эришилади: Келгусида мамлакат экспорт салоҳитини ошириш; субъектнинг молиявий барқарорлигини таъминлаш; ишсиз аҳолини иш билан бандлигини таъминлаш; молиявий барқарор субъектнинг халқаро бозорга чиқиш имкониятини ошириш ва бошқа имкониятларни беради.

### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг “2020 йилда янги иш ўринларини яратиш ва аҳолини бандлигини таъминлаш параметрлари тўғрисида”ги Қарори. Тошкент. 2020 йил.
2. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси. Халқ сўзи газетаси, 13 декабр. 2017 йил
3. Султонов Ш.А., Раҳматов А. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг иқтисодий ривожлантиридаги роли. // Самарқанд, 2019
4. Аҳмедов А.М. “Государственная поддержка услуг в Узбекистане” // Экономика и социум Россия, Саратов декабр 2021
5. Собиров О.О. Хўжалик юритувчи субъектларда бошқарув ҳисобини такомиллаштириш йўналишлари. / Иқтисодий фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати. Тошкент, 2022 йил.
6. Ishimbayev R.N. “Criteria and princiole of capability”// Maista Przyslosci, November P 334-336

### **Интернет ва статистика маълумотлари**

1. <http://www.stat.uz>
2. <http://www.lex.uz>
3. <http://www.mineconomy.uz>